

Гўри Амир макбараси жахонга машхур ва Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб асари сифати аътироф этилади.

Макбара курилиши 1403 йилда Амир Темурнинг вориси Муҳаммад Султоннинг вафот этиши муносабати билан бошланган, Мирзо Улугбек даврида тугалланган ҳамда Амир Темур ва темурийлар хилхонасига айлантирилган.

Макбара ўрта аср Самаркандининг жанубий-шарқий қисмида, Темурнинг набираси Муҳаммад Султон XIV асрнинг охирида бино қилдирган ансамбл қошида тикланган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиё сохилларига қилган узок сафаридан қайтиб келаётганда тўсатдан қасал бўлиб вафот этади. Шахзоданинг жасади Самаркандга олиб келиниб, ансамблнинг жануб томонидаги айвони орқасидаги дахмага дафн қилинади. Амир Темур шахзодага атаб макбара қуриш ҳақида фармон беради. Шундан кейин дахма устига саккизёкли бино қурилади. Шурқ тарихчиси Шарафиддин Али Яздий бу бино «осмон қаби баланд гумбаз, деворларининг пастки қисми зарҳал ва ложувард билан безатилган мармар тошдан қилинган», деб таърифлайди. Лекин бу ишларни Амир Темур охирига етказолмаган. У 1405 йилнинг бошларида вафот этди ва Муҳаммад Султон жасади ёнига дафн қилинди.

Амир Темур вафотидан кейин тахт учун ўзаро урушлар бошланиб кетиб, макбарани қуриб тамомлашга ҳалакит беради. Мамлакат 1409 йилдагина тинчийди. Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзо Хиротни пойтахт қилади. Мирзо Улугбекни эса Самарканд ҳокими қилиб тайинлайди.

Амир Темурдан Мирзо Улугбекка жуда кў бойликлар мерос қолади. Олимлар, ҳунармандлар ва рассомлар унинг ихтиёрига ўтади. У мамлакатда маданият ва қурилиш ишларини ривожлантириб юборади. Мирзо Улугбек буюк бобосига ҳурмат юзасидан саккизёкли макбарани темурийлар авлоди дафн қилинадиган макбарага айлантиради. Макбара битгач, Амир Темурнинг маънавий устози Мирсайид Бараканинг жасади шу макбарага қўчирилади. Амир Темурнинг маънавий ўзи устозининг оёқ томонига дафн этилади. Баъзи ривоятларга қараганда, Амир Темурнинг ўзи шундай васият қилган экан. Бинонинг ичи янгидан безатилади, макбара саҳнига дахмалар қўйилиб, атрофи нафис мармар тошдан панжара қилинади. Макбарага 1424 йилда унинг шарқ томонига такаб қурилган кўп гумбазли галереядан қирилади.

Макбарада Амир Темурнинг ўғиллари — Мироншоҳ ва Шохрухлар ҳам дафн қилинган. Макбаранинг гарб ва жануб томонига ёндош қилиб қурила бошлаган, лекин чала қолган улкан иморатлар Мирзо Улугбек ҳукмрончилигининг сўнгги йилларига тўғри келса керак. 1449 йилда сиёсий инқироз натижасида Мирзо Улугбек вахшиёна ўлдирилади. Буюк астрономнинг жасади Гўри Амир макбарасида дафн қилинади.

Баъзи маълумотларга қараганда, XVII асрда мадраса ишлаб турган, ҳонақоҳ биносидан эса вайроналаргина қолган. XVIII асрнинг 20 чи йилларидаги ижтимоий ва иқтисодий инқироз даврида ҳувиллаб қолган Муҳаммад Султон мадрасаси ҳаробага айлана бошлайди.

Муҳаммад Султон мадрасаси ва ҳонақоҳи унутилиб кетгани учун Самарканд ёдгорликларининг дастлабки тадқиқотчилари узок вақтгача мадраса ва ҳонақоҳ тушган

жойни аниклай олмаган эдилар. Факат XX асрнинг ярмидан бошлаб кадимги ёдгорликларни чукур ва хар тарафлама тадқиқот қилиш имконияти тугилди. Археология қизилмалари ўтказилиши натижасида йўқ бўлиб кетган биноларнинг деворлари ва пойдеворларининг қолдиқлари топилди. Архитектура-қидирув ишлари бинонинг ҳажмини, конструкцияси ва баъзи қисмларининг безакларини қизмада аниклаш имконини берди. Тўпланган материаллар планли реставрация ишларига асос қилиб олинди. Бутунлай бузилиб кетган ҳовли деворлари қайтадан тикланди. Натижада архитектура мажмуасидаги иншоотларнинг қай тартибда тушганлигини аниклаш мумкин бўлди.

Бу нодир ёдгорликлар ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун ҳовли атрофидаги иншоотларни кўздан кечириб чиқиш лозим. Томошабин ёдгорликни соатнинг йўналишида айланиб, мажмуанинг ҳамма қисмлари билан танишгандан сўнг, пештоқдан темурийлар макбараси Гўри Амирга ўтади.

Мухаммад Султон ансамблидан факат пештоқгина яхши сақланган. БУ пештоқ моҳирлик билан ишланган бўлиб, турли-туман қосинлари билан девор фонида яққол кўриниб туради. Қосинлар орасига бинони қурган уста Мухаммад бинни Маҳмуд Исфохонийнинг номи жимжимадор қилиб ёзиб қўйилган. ўйштин устунлар беағида «ғирих» деб аталувчи геометрик шаклларга асосланиб, нафис қилиб ишланган композиция асосий ўринни эгаллайди. Равоқли, қунгура девор гулдор ғилам қилиб безатилган.

Деворларнинг тўқ занғори, фонида қирмашиб, гуллаб турган ўсимликнинг расми тасвирланган. Тоқчадаги қуббалар майда арқалар шаклида бир-бирига турли бурчаклар билан туташган мукарнаслар билан ишланган.

Ҳовлининг шарқ томонидаги девор ортида Мухаммад Султон мадрасасининг қолдиқлари кўриниб туради. Чорсу ҳовлининг атрофида икки қаватли ҳужралар тушган. Ҳужралар бошқа мадрасалардаги синғари бўйи узун, эни тор бўлиб эшик бурчакларида ғумбазли дарсхоналар бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган сирли безаклар мадрасанинг жуда ҳам қиройли бўлганлигидан давлора беради. Ғанчдан ишланган мукарнаслар ғумбаздан бошлаб деворга бир текисда туширилган, унинг устига гул қосинган ва занҳал, лоқувард қосинлардан ҳошия қилиб изора ясалган. Мухаммад Султон мадрасаси Ўрта Осиёда сақланиб қолган мадрасалар ичида энг қадимийсидир.

Мажмуанинг жануб томонидан қараганда, унинг муҳим қисми Гўри Амир макбарасининг ташки қўриниши яққол кўриниб туради. Қўп қа бирғали, баҳайбат ғумбазли қилиндр шаклидаги айланаларини қўтариб турган сакқизёқли призма бино меъморий композициянинг асосини тақил этади. Макбара деворларига занғори, ҳаво ранг ва оқ сирли қосинлар қопланган, бу қосинлар геометрик шаклда терилиб, арабча хит битиб, усталик билан ишланган. Меъмор бир-бирига ўхшаган шакллардан фойдаланиб, биноларнинг қатта сатҳларини моҳирлик билан беаган.

Макбара ҳашаматли сакқиз қиррали асос устига қурилган бўлиб, ташки беағи деворнинг мармарли изораси тепасига қосинлардан қиялатиб ғирих берилган ва улар орасида қуфий ҳатида Аллоҳга айтилган ҳамду санони анғлатувчи «субҳаноллоҳу биҳамдих ва субҳоноллоҳул аъзим ва биҳамдих» деган дуо ёзилган.

Ғардиш айланаси бўйлаб икки метр энлиқда ёзув бўлиб, унда Қуръони қаримнинг «Мулк» сураси бошидан охиригача устма-уст ёзиш услубида битилган. Ҳоналарнинг ички деворлари ҳам йирик ҳошияларга ажратилиб, майда безак нақшли ёзувлар билан

«Мухаммад с.а.в. Аллох, Али» сўзлари битилган.

Макбарага кирадиган учта эшик ҳамда битта меҳроб бўлиб, буларнинг тепа ва ён тарафларида гир айлангириб ҳадислардан жуда нодир ва саҳиҳлари саралаб ёзилгандир. Улар куйидагидан иборат:

1. Кафа биддахри воъизан ва билмавти муффрикан.

—Кишига насихат килмокка замоннинг ўзи кифоя килади. Унинг ажрамогига эса ўлимнинг ўзи кифоя килади.

2. Истаъид лил-мавти кабла нузулил-мавт.

—Ўлим келмасдан бурун унга тайёргарлигини кўриб кўй.

3. Мо мин байтин мин буютиллохи, йатлуна китобаллохи ва ядрисуна фима байнахум илла нузила ладум раҳматун ва гошияхум малаикату ва зикроллоху фимо индахум.

—Қуръони Карим ўкилаётган ва ўрганилаётган ҳар бир уйга Аллохнинг раҳмати ёғилади ва Аллохни зикр килаётганларни эса фаришта ўраб туради.

4. Ас-султонун зиллулоху фил арзи фаман акрамаху, акрамахуллоха ва ман ахонаху ахонахуллоху.

—Подшо Аллохнинг ердаги соясидурким, уни ҳурмат килган кишини Аллох ҳурмат килади. Уни хорлаганни Аллох ҳам хорлайди.

5. Ал-мукситина индаллоху алал-манобири минан-нури.

—Мукситлар (камтар кишилар) Аллох ҳузурида нурдан бўлган минбарларда ўтирадилар.

6. Аллазина яъдилуна фи ҳукмин соъатан хайрун мин ибодати ситтина сана.

—Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан яхшидур.

7. Ва кола алайҳиссалому узқуру маҳосина мавтоқум ва каффу ан масовихим.

—Ўтганларнинг яхши фазилатларини зикр килинлар, ёмонликларини гапиришдан эса сакланинлар, деган ёзувлар бор.

Макбара узокдан қумушсимон-хаво рангга ўхшаб кетади. Факат гумбаз бироз кўкиш бўлиб, жимиллаб арилиб туради. Бинога яқинлашган сари гумбазнинг саккизёкли қисмида хаво ранг геометрик шакллар ва гумбазни ушлаб турадиган айланмаси хаво рангли йирик ҳарфлар билан бир тартибда битилган ёзувлар аниқ кўрина бошлайди. Сўнгра гирихнинг шаклини тўлдириб борадиган кўк рангдаги сатрлар ва ҳарфлар орасида бир-бирига чирмашган жимжималар кўзга ташланади. Бинога янада яқинроқ борилса, унинг архитектураси қанчалик усталик билан ишланганлиги хайратда қолдиради. Дарчалар тепасига ўрнатилган ажойиб қошинлар, макбара пойдевор қисми мрамарида ишланган нафис нақшлар диққатни жалб этади ва гўё бундан нафисроқ безак яратиб бўлмайдигандек кўринади. Аммо изора шарафасининг миниат юрали равоқчаларида зарҳал билан ишланган шундай нафис безаклар борки, уларни факат жуда моҳирлик билан ишлаб, нодир асарлар қолдирганлар.

Макбаранинг ташки томонини бунёд қилганда гумбазга катта аҳамият берилган. Гумбаз остки қисмининг айланаси 15 метр, баландлиги 12,5 метр бўлсада, оғирлиги сезилмайди. Бунинг сабаби шундаки, 64 қабиргадан иборат гумбазнинг вазни ажойиб ишланган шарафа орқали мустаҳкам асос-айланмага тушади. Гумбазнинг ранг-баранг қилиб ишланиши катта аҳамиятга эга. Гумбазда хаворанг кўпроқ ишлатилгани учун бу ранг гумбазнинг эгри қизикли қобиргаларида товланиб туради, қуёшда чараклаб, гўё осмонга қадалиб туради. Гумбазнинг усти сирли қошинлар билан қопланган.

Шарафаларида ҳам шундай қошинлардан ҳажми бир-бирига мос қилиб ишланган чиройли жимжималар бор. Макбаранинг ташки гумбази ёдгорликнинг ташки қиёфаси

янада салобатли бўлиши учун ички гумбаз устига ўрнатилган.

Макбаранинг жануб томонидаги киррасига галереянинг колдиклари такалиб турибди. Бу галерея тахминан XV асрларда солинган бинолар таркибига кирган. Шу ерда катта комплекс қурилиши билан Гўри Амир ҳам ўз-ўзидан шу комплексга кириб қолган.

Макбаранинг жануб томонидаги дахма ҳам шулар қаторига қиради.

Маълумки, Амир Темури тугилган шаҳри — Шахрисабзда ўзига атаб ҳашаматли бино қурдирган ва мрамартошдан сагана ясаган. Амир Темури тўсатдан вафот этгандан кейин шундай сиёсий вазият вужудга келдики, унинг жасади Самарқанддаги набираси учун солинган макбарага дафн этилди. Шунинг учун Шахрисабзда тошдан тайёрланган дахма устига буюк Амир Темурнинг номи ёзилган плита ўрнайтилмаган. Мирзо Улугбек бобосига тақлид қилиб, Гўри Амир макбараси ёнида зодагонларни дафн этиш учун катта қурилиш ишларини бошлаб юборган, дейишга асос бор. Макбарадаги дахма чиройлилиги жиҳатидан Шахрисабзда Темур қурдирган дахмадан қолишмайди. Бироқ, Мирзо Улугбек ваҳшиёна ўлдирилиши билан мажмуадаги ишлар тўхталиб, макбара ҳувиллаб қолди. Мирзо Улугбекнинг жасади Гўри Амирда — бобоси ёнига қўйилди.

Галерея залларининг шаклини деворлар қолдигидан, деворга ишланган безакларни эса шарафа парчаларидан билса бўлади. Иншоотнинг қанчалик катта бўлганлигини унинг гарб томонида битмай қолган мажмуага қараб аниқлаш мумкин. қаттақон залдан уни тўрт томонга қонлардир қўйилган тўртта равогидан биттасигина сақланиб қолган. Эни 10 метрлик равоқнинг икки томонидан йўлак ўтган. Йўлакнинг шимол томонидан қўш гумбазли икки қаватли бинга, жануб томондан эса галереяга қиради. Гўри Амир макбараси ва дахмасига шу галереядан ўтиради. Демак, макбара атрофи бинолар билан ўралган экан.

Мухаммад Султон хонақохи ва мадрасасидан девор қолдиклари ва қошин парчаларигина сақланган. Лекин бу қолдиқлар ҳам асрлар бўйи қинхон бўлиб қелган иншоот қирини қилишга қмон берди. Хонақох ўртасида катта гумбазли қенг зал, залнинг атрофида икки қаватли, қирдан ққинқисига ўтирадиган хоналар бўлган, бу хоналарнинг баъзиларида қишлар яшаган, баъзилари қазнок бўлган.

Ховли атрофини ўраб турган деворлар икки қаватли безақли равоқларга бўлинган. Равоқлар бўйининг қаланд-паст, энининг эса турлича бўлиши ва рангларнинг жой-жойида ишлатилиши ўзига ҳос манзара қасб этган. Равоқнинг қўпчилиги сайқал қерилган қиштлар, унинг тепа томонлари турли-туман ўсимлиқларни тасвир этувчи занқори қошинлар билан қопланган. Ўртадаги айвонларни безатишга алоқида эътибор қерилган. Жануб томондаги айвон деворида сақланиб қолган безақ парчалари унинг қандай гўзал бўлганлиги ҳақида аниқ тасаввур бера олади. Кейинқалик ганч билан шуваб юборилган деворлар қадимда турли-туман рангли қошинлар билан қопланган. Ховли томондаги олд деворнинг тепасида арабча ҳатлар қитилган қенг белбоғ бор. Ховлининг ташқи бурчакларида тўрт миноралар бўлган. Юқорига қўтарилган сари инқичқалашиб борган минора Регистон майдонидаги Улугбек мадрасаси миноралари қабии шарафа билан безатилган. Остки ва устки қисми ҳар қил айланмага эга бўлган минораларга қошинлар қоплаш техникаси қишини ҳайратда қолдиради.

Миноранинг асоси билан тепаси орасидаги тафовут қошин плиталар теришда усталик билан қартараф қилинган. Қошинлар ҳар бир қаторига бир қил микдорда қошин плиталар териленган ҳолда, улар орасидаги қоклар юқорига қўтарилган сари торайиб қоради ва тепасига етиб тугайди.

Улугбек даврида макбарага кириш учун курилган эшикнинг ёни ва тепалари нафис безатилган. Илгари эшик тепасида: «Бу шавкатли Амир Темурнинг қабри...» деб ёзилган қошинли лавҳа бўлган (бу плита ҳозир Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмидажада сақланади). Макбарага қатор гумбазли галереядан ўтиб қирилади. Бу галереянинг ҳовли томонидаги девори ва баъзи гумбазлари икки мартаба қайтадан ишланган. Деворларида сақланиб қолган безак қолдиқлари галереянинг ичи қиройли бўлганлигини кўрсатади. Галереянинг ҳаво рангдаги олти қиррали изораси оқ деворга солинган яшил нақшлар билан бир-бирига жуда мос тушган.

Галереядан ўтиб, Темурийлар макбарасига қирилади. У кенг ва баланд зал бўлиб, тўрттала деворида ҳам ҳаво рангли таҳман бор. Макбаранинг ичи жуда аниқ режаланган. Кенг белбоғ шаклида ёзилган арабча ҳатлар изора, деворлар, ички ва ташқи гумбазнинг таянчи бўлган равоқли конструкциялар ярусини ажратиб туради. Макбара ҳолатда нафис безатилган. Деворнинг пастки қисмида кўкимтир шаффоф оникс тошидан ишланган изора бор. Оникснинг қоклари кўкимтир тошлар териб безатилган. Изора устига ишланган ранг-баранг панно ҳудди зар аралаштириб тўқилган гиламга ўхшайди. Гумбазнинг ичи, қунжақ яруслари ҳар турли шаклларда бир неча қават ипақ қоздан бўрттириб ишланган нақшлар билан безатилган, бу нақшлар гумбазнинг юқорисига қўтарилган сари қорайиб қоради. Уларга зарҳал берилган ва майда гуллар солиб нақшланган. Бўрттириб ишланган ипақ қоз ораларидан кўриниб турган ганч сувок майда жимжимадек қох қангори, қох оқ бўлиб қилтираб кўринади.

Макбарага рангдор ойналар солинган панжарали дарчадан ёруғлик тушади. Шу ойналардан ўтиб тушган қуёш нуридан макбара ичи ранг-баранг товланиб туради. Макбаранинг беағида Ўрта Шарқ усталари эришган юқсак санъати намойиш қилиниб, маҳаллий анъаналарга мослаб ишланган.

Макбаранинг ўртасига ўрнатилган сағаналар устида Темурийларга бағишланган ёзувлар бор. Шулар орасида Темурнинг қабри устига қўйилган тўқ яшил рангли нефрит тош қикқатни ўзига қалб этади. Бу тошнинг қардан олиб қелинганлиги, мустанқамлиги ва бениҳоя қимматлилиги ҳақида қанча-қанча афсоналар тўқилган. Улугбек 1425 йилда мўғуллар устидан қалаба қозонганда қўлга қиритилган ўлжалар ичида икки бўлак нефрит ҳам бўлган. Шу иққала тошни яхшилаб ишлаб, бир-бирига улаб, Амир Темур қабри устига қўйилган.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигини қалб этган вақтида (ўша вақтда Самарқанд Бухоро хонлигига қарар эди) Амир Темур қабри устидаги тошни Мастанқадга олиб қоришга бўйруқ берган. Лекин шакқок бўлишдан қўчиган Нодиршоҳ бу ниятидан қайтган ва ўша қамон учун узок ва қийин бўлган сафарлардан қейин тошни яна қайтадан қойига қелтириб қўйдирган.

Макбара Темурнинг кўрсатмасига биноан икки қаватли қилиб қурилган. Макбаранинг биринчи қаватида зиёратқох, пастки қисмида эса ер остидаги ҳақиқий даҳмалар қойлашган. Унинг шипи ўн икки қиррали гумбаз қилиб қия ишланган, ички безаклари жуда содда. Темурийларга қўйилган сағаналар юқори қаватда қандай тартибда бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда. Ҳар қайси қабр усти мармар-тош билан қопланган.

1941 йилда темурийларнинг қабри маҳсус қомиссия томонидан очилган эди. Тобутда Амир Темурнинг бир неча қават мато ва бир қават қимқоб билан ўралган суяги ётган, боши қиблага қаратилган, қўллари тўғриланган, панжалари ёйилган. XVI асрда қатта империянинг асосқиси, номи оламнинг ярмини ларзага қелтирган улуг Амир Темурнинг қиёфаси ҳақидаги тарихий маълумот, Улугбекнинг қожаали ўлдирилиши ва бошқа

темурийларнинг дафн этилиши хакикийлиги тасдикланди. Шунингдек, комиссия бошка темурийлар кабрларини хам очиб, чукур илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди. 1994-1996 йиллар макбарада катта хажмдаги таъмир-тиклаш ишлари амалга оширилди.